

**Талаб ва таклиф назарияси.
Бозор мувозанати.**

РЕЖА

6.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдorigа таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни. Талаб эластиклиги

6.2. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклиф миқдorigа таъсир қилувчи омиллар. Таклиф эластиклиги

6.3. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбат ҳамда унинг ўзгариши

Талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи **талаб** дейилади.


Талаблар турлича бўлиб, одатда бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқланади:

Якка талаб


- Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади.

Бозор талаби.

- Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.




Талабнинг туркумланиши



ТАЛАБ ҚОНУНИ

Товарлар нархи ошса истеъмолчилар талаби пасаяди ва тескариси, нарх пасайгансари истеъмолчилар талаби кўтарилади.

Демак нарх билан талаб ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжуд – бу талаб қонунидир.



Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда нархнинг бир фоизга ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич **талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги** кўрсаткичи дейилади.

- Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб **талабнинг эгилувчанлиги** деб аталади. Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги (\mathcal{E}_T) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_T = \frac{\Delta Q}{\Delta P}$$

Бу ерда:


ΔQ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

ΔP – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Нарх ва сотиб олинadиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик

Бир кг ун нархи (сўм)	1 ой давомида унга бўлган якка талаб миқдори (кг)	1 ой давомида унга бўлган бозор талаби миқдори (тн)
350	10	1,0
300	20	2,0
250	30	3,0
200	50	5,0
150	60	6,0

Товар нархи ва сотиб олинадиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик **талаб қонуни** дейилади.



Реал иқтисодий ҳаётда баъзан бу қоидага зид бўлган, яъни айрим товар нархининг ўсиши билан унга бўлган талаб миқдорининг янада ортиши ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳолат **Гиффен самараси** деб аталади.

Талабга таъсир этувчи омиллар

Нархга боғлиқ омиллар:

муайян товарнинг нархи

бир-бирини тўлдирувчи
товарларнинг нархи

ўринбосар товарларнинг нархи

келажакда нархларнинг ўзгариши
эҳтимоли

Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар:

истеъмолчининг диди

бозордаги истеъмолчилар сони

истеъмолчининг даромадлари

келажакда даромадларнинг
ўзгариши эҳтимоли.

Маълум вақт оралиғидаги нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори **таклиф** дейилади.

- Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади.

Нархнинг ўзгариши билан таклиф этилаётган товар миқдорининг тўғри боғлиқликдаги ўзгариши **таклиф қонуни** дейилади.

- Истеъмолчи учун нархнинг ошиши тўсиқ ролини ўйнаса, ишлаб чиқарувчи учун рағбатлантириш вазифасини бажаради.

P



S




P



S



Таклиф қонуни



Таклифга таъсир этувчи омиллар

Нархга боғлиқ омиллар:

муайян товарнинг нархи

ресурслар нархи

бошқа товарлар нархи

нарх ўзгаришининг кутилиши


Нархга боғлиқ бўлмаган омиллар:

ишлаб чиқариш технологияси;

солиқ ва субсидиялар;

бозордаги сотувчилар сони.

Бозор мувозанати



Кластер мисоли.

